

## TOLERANCE IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS PEDAGOGICAL MODEL OF SKILLS DEVELOPMENT

Gafurova Nodira Ravshanovna,  
Fergana State University is A Senior Lecturer

There is a need to effectively use innovative technologies, interactive methods and new pedagogical research in the development of tolerance skills of primary school students. The formation of tolerance requires the targeted use of human intellectual, spiritual, physical and mental potential. Therefore, our research is based on the premise that tolerance thinking in primary school students cannot be developed without general competence, knowledge, spiritual and mental maturity, spiritual and physical maturity. In particular, in the context of Uzbekistan, the fight against various ideological views and ideas, the preservation of youth thinking, the formation of youth immunity against them make the principles of tolerance an important and necessary pedagogical problem and task. Because "we are all pleased that today the role and influence of our courageous youth in the implementation of socio-political and economic reforms aimed at building a new Uzbekistan in our country is growing."

Бошланғич синф ўқувчиларида толерантлик тафаккурини шакллантириш масаласи ҳамда унинг таълим тизимиға жорий этиш талаби кўйидаги вазифалар қўлами билан белгиланади:

- толерантлик тафаккурининг тарихий илдизлари, унинг келиб чиқиши омиллари, Ўзбекистонда унинг тарихий шаклланиш жараёнларининг маънавий-маърифий ва тадрижий ривожини аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- толерантлик тафаккурининг замонавий талқинини ва истилоҳ таърифини ишлаб чиқиш, педагогик тамоийллар таркибида толерантлик тушунчасининг тутган ўрнини илмий изоҳлаш, толерантлик тафаккурини шакллантириш бўйича илмий амалий тажрибаларни таҳлил қилиш;
- кичик макиаб ўқувчиларининг онгида толерантлик тафаккурини шакллантириш асосида уларни жамият ҳаётига тайёрлаш, мазкур жараёнда ёшларда ўз диний эътиқоди, оила ва унинг аъзолари диний эътиқодига бўлган муқаддас ва эътиборли, масъулиятли муносабатни шакллантириш, диний бағрикенглик негизларни таҳлил этиш, толерантлик ғояларини шакллантиришнинг янги педагогик услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ёшларни жамият ҳаётига толерантлик асосида тайёрлашнинг педагогик асосларини илмий ўрганиш;
- мактаб таълими асосида бошланғич синф ўқувчиалрининг толерантлик тафаккурини шакллантириш йўналишидаги мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш, унинг кейинги такомиллашиш тамоийлларини белгилаш, педагогик технологиялар нуқтаи назаридан тадқиқ этиш;
- ўқувчиларда толерантлик тафаккурини такомиллаштиришга доир илғор педагогик технологияларни қўллаш, самарали шакл, метод ва воситаларини аниқлаш, уларни амалий тажриба-синовидан ўтказиш;
- мактаб таълимининг бошланғич синф қувчилари учун толерантлик фикрлашини ривожлантиришнинг педагогик моделларини яратиш. Толерантлик тафаккурини ўқувчилар тафаккурида шакллантириш вазифаси педагогик илмлар таснифида турган

долзарб масалалардан бўлиб, унинг ижобий ечими ёшларни дунёвий вас диний илмлар асосида тарбиялашнинг муҳим талабларидан биридир.

Ўқувчиларни толерантлик тафаккури асосида тарбиялаш масаласи педагогик тадқиқотларнинг муҳим категорияси сифатида бола баркамоллиги ва унинг жамиятдаги ролини таъминлаб берувчи комплекс омиллар мажмууни вужудга келтиришни талаб этади.

Бугунги кунда узлуксиз таълим тизимида педагогларнинг малакасини ошириш, уларда толерантлик кўникмаларини ривожлантириш орқали улар таълим берувчи ўқувчиларнинг салоҳиятини, билимини ва инсоний фазилатларини ўстириш мумкин бўлади. Ўзбекистон шароитида таълим тизими олдида турган муҳим ва тезкорлик билан бартараф этилиши зарур бўлган масалалардан биридир. Зоро, «мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган, замонавий давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши аввало илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг ривожи билан билан, бу борада бизнинг дунё миқиёсида рақобатбардош бўла олишимиз билан узвий боғлиқ, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди». Ўқитувчиларда толерантликка оид билим ва кўникмаларни ривожлантиришда қуидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- ахлоқий фазилатларни қадрлавчи педагогларни етиштириб чиқариш орқали ўқувчиларда юксак ахлоқий сифатларни шакллантириш;
- давлат қонунларига ҳурматли ва эъзозли муносабатда бўлувчи педагогларни тарбиялаш орқали қонунларни ҳурмат қиласиган ёшларни тарбиялаш;
- жамият аъзолари ўртасидаги муносабатларни адолат мезонлари асосида қуриш ҳамда улар ҳуқуқ ва эркинликларини тан оловчи ўқитувчилар орқали ҳалол ва тўғриликни қадрловчи ўқувчиларни ўқитиш;
- барқарорлик, бунёдкорлик, тинч ва осуда яшаш тамойилларига итоат этиш, уларни қадрловчи ўқитувчилардан толерантлик кўникмаларишаклланган ўқувчиларни тарбиялаш;
- жамият аъзолари маданияти, урф-одатлари, тафаккури ва қарашларига дунё ранг-баранглиги сифатида ёндошиш, улар ирқи, миллати, тили ва динига ҳурмат билан қараш, тинчлик меъёрларини сақлашни инсоннинг энг олий қадриятларидан бири сифатида англовчи педагоглар орқали тоқатли, чидамли, фикрлар ҳилма-ҳиллигини қадрловчи, ҳурфикр ва диний бағрикенгликни тўғри тушунувчи ўқувчиларни тарбиялаш;
- бузғунчилик асосига қурилган барча ёт мағкуравий ғоялар ва қарашларга нисбатан қарши тура оловчи ўқитувчилардан манашуndaу сифатларга эга ўқувчиларни етиштириш;